



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI



OLIV TA'LIM SIFATINI TAKOMILLASHTIRISHDA
RAQAMLI TEXNOLOGIYA VA INNOVATSIYALARNING O'RNI
Xalqaro ilmiy onlayn konferensiya
M A T E R I A L L A R I
1-kitob

РОЛЬ ИННОВАЦИЙ И ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ
В ПОВЫШЕНИИ КАЧЕСТВА ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ
M A T E P I A Л Ы
Международной научной онлайн конференции
1-книга

ROLE OF INNOVATION AND DIGITAL TECHNOLOGY IN
IMPROVING THE QUALITY OF HIGHER EDUCATION
M A T E R I A L S
of the international scientific online conference
Book 1



NSPI.UZ

2021-yil 20-noyabr,
Navoiy shahri

Oliy ta'lim darajasida amalga oshirilayotgan tadqiqotlarning natijaviy samaradorligini yanada oshirish, professor-o'qituvchilar va mutaxassis-olimlar tomonidan olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot faoliyati asosida yaratilayotgan ilmiy-texnologik ishlanmalarning tegishli sohalarga operativ tatbig'ini ta'minlash ilmiy-innovatsion hamkorlikning asosiy tamoyilidir. Mazkur to'plam O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 2 martdagi 78-F-sonli farmoyishi asosida tasdiqlangan "Oliy ta'lim sifatini takomillashtirishda raqamli texnologiya va innovatsiyalarning o'rni" mavzusidagi Xalqaro ilmiy konferensiya materiallaridan iborat.

To'plamda Oliy ta'lim sifatini takomillashtirishda raqamli texnologiya va innovatsiyalarning ustuvor yo'nalishlari bilan bog'liq taklif va tavsiyalar ishlab chiqishning dolzarb masalalarini ilmiy-nazariy jihatdan qiyosiy o'rganishga e'tibor qaratilgan.

Xalqaro ilmiy konferensiya maqolalar to'plamini tayyorlash uchun mas'ullar

Mas'ul muharrir: B.B.Sobirov, texnika fanlari doktori, professor.
NavDPI rektori

Ilmiy muharrir: N.O.Safarova, falsafa fanlari doktori, professor.
NavDPI Ijtimoiy fanlar kafedrasini mudiri

Taqrizchilar: E.E.Karimov, tarix fanlari doktori, professor. Nyu York Xofstra universiteti professori (AQSh) YUNESKOning Butunjahon yodgorliklari hujjatli merosini himoya qilish qo'mitasi a'zosi.

Sh.O.Madayeva, falsafa fanlari doktori, professor
O'zbekiston Milliy universiteti falsafa va mantiq kafedrasini mudiri,

Texnik muharrirlar: U.Q.Tilavova, M.X.Norqobilov

Matnlarda foydalanilgan misol, ko'chirma va ma'lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

© Navoiy Davlat pedagogika instituti, 2021

тадқиқот институти ва халқаро илмий ташкилотлар томонидан тақдим қилинган 1000 дан ортиқ навларни ўрганиб, Крошка ва Санзар-8 навлари асосида “Жасмина” нави яратилган. Бу навнинг ўртача ҳосилдорлиги 80-100 ц/га бўлиб, бўйи 70-80 см, касалликларга чидамли, ётиб қолишга мойил эмас.¹³⁸

Донли экинлар орасида салмоқи ўринни эгаллаган шолчилик дунёда қишлоқ хўжалигининг асосий экин навларидан ҳисобланиб, айниқса Шарқ мамлакатларида аҳоли истеъмолининг асосий хомашёси ҳисобланади. Дунё шолчилигида экинни кўчатидан етиштириш ҳозирда асосий ўринни эгаллаб, ҳозирги даврда ер юзида етиштирилаётган жами шолчининг 95 фоизи кўчат ўтқазиб орқали етиштирилмоқда. Бу эса ҳосилдорликни ошириб уруғни тежаш имкониятини бермоқда. Бундай экишда турида ҳар бир гектарига Ўзбекистон деҳқонлари 65-70 кг уруғ сарфланади. 150 кг уруғ иқтисод қилинади. Жаҳон шолкорлари эса ҳар гектар ерга 30-35 кг ўртача уруғлик сарфлашмоқда. Кўчатдан шол етиштириш ҳосилдорликни 25-30 фоизгача оширади.¹³⁹ Кўчат шол етиштириш учун шол экилишидан тахминан бир ой олдин 1 га майдонга 650-700 кг уруғлик сувда ивителиб ерга сепилади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг чорвачилик тармоғини ривожлантириш учун, чорвага озуқабоп экин ҳисобланган маккажўхори такрорий экин сифатида яхши натижа бериши сир эмас. Донининг хусусиятлари ва озуқабоплик массаси айниқса фойдалидир. Мустақиллик йилларида маккажўхорининг касалликларга чидамли, ётиб қолишга мойил бўлмаган, ҳосилдорлиги юқори навларини келтириб иқлимлаштириш ишлари янада ривожланиб бормоқда. “Боржа F1” – Испания давлатидан 2011 йилда олиб келинган нав. Бўйи 250-270 см, вегетация даври ўртача 92 кун, ётиб қолишга, касалликлар ва ҳашорот тушишига чидамли, ўртача ҳосилдорлиги 55,9 ц/га. “Вечита (BT6470)” – Туркияда давлати нави. 2017 йилда давлат реестрига киритилган. Бўйи ўртача 251-275 см, вегетация даври 95-118кун, ҳосилдорлиги 62,5 ц/га, ҳосилдорлиги яхши, касалликларга чидамли. “Делитоп F1” – Нидерландия давлатининг селекцион дурагайи. 2015 йилдан Республикаимизда етиштириш бошланган. Ўртача бўйи 208-308 см, вегетация даври 90-111 кун, ётиб қолиш ва касалликларга чидамли, ҳосилдорлиги 90 ц/га гача етиши мумкин. “Днепровский 181” – Украина селекцион дурагайи. 2015 йилдан бошлаб Фарғона водийси ва Тошкент вилояти ҳудудида экилиши бошланган. Вегетация даври 82-110 кун, ўртача бўйи 210-295 см, ҳосилдорлиги 51,2-84,0 ц/га, ётиб қолишга чидамли механизм билан ўришга яроқли.

Хуллас, Сунъий суғоришга асосланган ер фондларининг чекланганлиги туфайли катта захира фондларига эга бўлган лалмикор тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги экин майдонлари ва қоклама деҳқончилик қилинадиган чўл майдонларида етиштиришга қаратилган оз сувталаб донли экин навларини иқлимлаштиришга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу борада Республикаимизда экин навлари иқлимлаштириладиган ўнлаб участкаларида тизимли селекция ишлари олиб борилмоқда ҳамда янги экин навлари яратишга инновацион ва фаннинг янгиликларидан фойдаланилмоқда.

РАҚАМЛИ (DIGITAL HISTORY) ТАРИХ МУАММОЛАРИ

Ризаев Бахтиёр Назарбоевич - Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD).

Зарипов Содик Джураевич - Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи ўқитувчиси.

Resume: The article reveals the problems of digitalization in higher education in the humanities, the impact of digitalization on the quality of education, staffing in this area and the quality of teaching.

XXI аср глобаллашув ва интеграция ҳар қачонгидан кучайди. Хорижнинг ривожланган давлатлари томонидан ишлаб чиқарилиб, халқ хўжалиги барча тармоқ ва соҳаларига татбиқ

¹³⁸ Ғайбуллаев Ф. ва б. Бугдойнинг истикболли “Жасмина” нави // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2015. – Б.26.

¹³⁹ Абдуллаев А., Сатторов М. Кўчат усулида шол етиштириш // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №7. 2015. –Б.7.

этилатган замонавий технологиялар дунё бўйлаб қисқа фурсатларда тарқалмоқда. Бу борада таълим тизими алоҳида ўрин тутди. XX аср Европа давлатларида талабаларга ўқув-материалларини ахборот коммуникация технологиялар воситасида етказиб бериш оммалашган эди. Фарб тадқиқотчилари XX асрни ахборот асри, деб номлашгани боиси ҳам аслида шундан келиб чиққанди.

Ўзбекистон таълим тизимида АКТ (Ахборот коммуникатив технологиялар) дан фойдаланиш борасидаги дастлабки амалий ҳаракатлар 2000 йиллардан бошланди. Бу борада аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар йўналишида маълум ютуқларга ҳам эришилди. Бироқ, гуманитар фанлар, шу жумладан, тарих фанлари йўналишида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, ўқув ва ўқув – услубий ишларда АКТдан фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда. Ваҳоланг-ки, дунёни таълими ривожланган етакчи давлатларида тарих (археология, антропология, этнография ва ҳ.к) фанига ахборот технологиялар татбиқ этган ҳолда янги турдаги илмий тадқиқотлар амалга оширилгани бизга маълум. Шу нуқтаи назардан, гуманитар фанларни ўқитишда рақамли тарихни ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш долзарб аҳамият касб этмоқда. Гуманитар фанларда ўз даври учун прогрессив бўлган янги медиа маҳсулот - маърузалар, хатлар, видео тасмалари, литография, фото, киносаноатидан унумли фойдаланиб келинган¹⁴⁰. Янги информатсион асрда эса рақамлаштириш экспанциясидан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиш механизмига эга бўлиши лозим.

XXI асрнинг сўнгги ўн йиллик тарих фани доирасида фаолият олиб боровчи ҳар бир киши учун рақамлаштириш ҳаётини заруратга айланди. Тарихни рақамлаштириш - манбаларни сақлаш, тизимлаштириш, танлаш, жамлаш ва тарихий-маданий объектларни умумий электрон платформасини яратиш каби йўналишларда амалга оширилмоқда. Аммо, рақамлаштиришни комплекс тарих фанига жорий этишда бир қатор узилишлар кўзга ташланади. Дастлаб, гуманитар фанлар баъзасида тарих фани предмети асосида рақамлаштириш йўналишлари, технологияларни соҳага мослиги ва ундан самарали фойдаланиш методини аниқлаштириш талаб этилади. Жумладан, архивларда сақланаётган манбаларни рақамлаштириш орқали, уларни кенг илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш ёки қадимий қўлёзмаларни электрон баъзасини шакллантириш масалага бир томонлама қарашга олиб келмоқда. Аслида, гуманитар фанлар учун яратилган электрон маълумотлар баъзаси (**Digital Studies / Le champ numérique, Digital Humanities Now, ADHO, Journal of Digital Digital humanities**¹⁴¹) тўғрисида соҳада фаолият олиб боровчи, илмий даража ва унвонга эга бўлган аксарият профессор-ўқитувчилар ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Қолаверса, таълим тизимида рақамлаштириш тажрибаларидан фойдаланишни даврнинг ўзи тақазо этмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 16 – июн куни “Олий таълим соҳасидаги ислохотлар натижадорлиги ҳамда янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнлари тўғрисида” ўтказилган видеоселектор йиғилиши 34-сонли баёнининг 21-бандида олий таълим муассасалари ректорлари 2021-йил якунига қадар олий таълим муассасалари кутубхона фондидаги 4 миллионга яқин адабиётларни тўлиқ электрон шаклга ўтказиш бўйича топшириқлар белгиланган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган рақамли тарих (Digital history), Ўзбекистон таълим тизимида 2020 йилда татбиқ этилганлиги, соҳада ҳали қилиниши лозим бўлган вазифалар кўплигидан далолат беради.

2020-2021 ўқув йилда ОТМ тарих таълим йўналишлари учун рақамли тарих фан сифатида киритилди. Фан дастурида жами: 120 соат ажратилган бўлиб, талабаларни рақамли тарих фанининг мақсади ва вазифалари, дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги ёндашувлар, самарали лойиҳалар билан таништириш мақсади қўйилган. **Дастурга** электрон манбаларнинг тарихий тадқиқотлардаги аҳамияти, тарихий тадқиқотда қидирув тизимларидан фойдаланиш, тарихий жараёнларни моделлаштириш ва қайта тиклаш 3D,

¹⁴⁰Я.Д.Пруденко. Гуманитарные науки в цифровой век или неотвратимость дисциплинарной гибридации./Международный журнал исследований культуры. №.3 (8), 2012. –С 17.

¹⁴¹А.Ю.Володин. **Digital humanities** (цифровые гуманитарные науки): в поисках самоопределения./Вестник пермского университета. Выпуск 3 (26), 2014. –С.6

KASB TARBIYASI VA UNING IJTIMOY – PEDAGOGIK MOHIYATI. Ilmiy rahbar: Xalilov Saloxiddin Arziyevich Talaba: Shokirova E'zoza Qobilovna.....	132
OILADA BOLALAR MA'NAVIYATINI SHAKLLANTIRISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI Xalilov Saloxiddin Arziyevich- NavDPI katta o`qituvchisi.....	134
UVAYSIY IJODIDA LINGVOPOETIK VOSITALARNING QO'LLANISHI Xudoyberdiyeva Malika- Navoiy viloyati Uchquduq tumani 12-sonli maktab o`qituvchisi.....	138
PRINCIPLES AND METHODS OF ARCHITECTURAL EDUCATION OF MULTIFUNCTIONAL SPORTS COMPLEXES The secondary school N6 in Navoi, Teacher: Haqberdiyeva Sarvinoz Ibodillayevna.....	139
TEACHING GRAMMAR AS CONCEPTS IN MEANINGFUL CONTEXTS IN LANGUAGE LEARNING The secondary school N6 in Navoi, Teacher: Aminov Elbek Uralovich.....	141
ФРАЗЕОЛОГИЯ В ТЕКСТАХ А.С. ПУШКИНА Д. К. Шарипова, магистрант 1 курса НавГПИ, Научный руководитель: д.ф.п.н., доц. Д.М. Шамсиева.....	143
МАКТАБГАЧА YOSHDAGI BOLANING NUTQ MADANIYATINI O`STIRISHDA MTT VA OILA HAMKORLIGI Samarqand Davlat Universiteti Maktabgacha va boshlang`ich ta`lim fakulteti 2-kurs magistranti Ibodullayeva Dildora Zoyir qizi.....	144
“ALPOMISH” DOSTONI ORQALI YOSHLAR TARBIYASIDA UMUMINSONIY QADRIYATLARNI SINGDIRISH Maxmudova Madina – Samarqand shahri № 9 umumiy o`rta ta`lim maktab o`qituvchisi	146
IXTISOSLASGAN UMUMTA'LIM MAKTABDA O'QITUVCHINGING PEDAGOGIK MAHORATI Turlibaeva Guljanna Muratovna Navoiy davlat pedagogika instituti Mustaqil tadqiqotchi.....	147
ЎЗБЕКИСТОНДА ДОНЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ТАРИХИ Ҳайитов Жаҳонгир Шодмонович – Бухоро давлат университети “Жаҳон тарихи” кафедраси доценти, PhD.....	149
РАҚАМЛИ (DIGITAL HISTORY) ТАРИХ МУАММОЛАРИ Ризаев Бахтиёр Назарбоевич - Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи катта ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD). Зарипов Содик Джураевич - Бухоро давлат университети Жаҳон тарихи ўқитувчиси.....	150